

Сана 6.03.13.

Мавзу: 32*5 ва 160:5 кўринишидаги ифодалар.

Мақсад: *Таълимий:* Ўқувчиларга мавзу асосида тушунча бериш.
Ифодаларнинг қийматини топишни ўрганиш.

Ривожлантирувчи: Онгини, нутқини, фикрлаш, ўйлаш
қобилиятини ошириш.

Тарбиявий: Одобга, дўстликка, тартибга, тозалikka тарбиялаб
бориш.

Дарс тури: саёҳат

Дарс жиҳози: рангли расмлар, дидактик ўйинлар

Фанлар аро боғланиш: дунётаниш, рус тили.

Дарс бориши:

I. Ташкилий қисм.

- А) Ўқувчилар фикрини жамлаб, дарсга тайёргарлигини текшириш.
- Б) Саломлашиш, фанлар ҳақида савол-жавоб ўтказаман. Давоматни аниқлаш.

Дарс бошланиши: *Ўқитувчи:* Кўзимизни юқорига қаратамиз, пастга қаратамиз, ўнгга қараймиз, сўнга қараймиз, бир-биримизга қараймиз ва жилмаямиз.

Ўқувчилар: Начинается урок
 Расматри скорей дружок
 Всё ли у тебя в порядке
 Книжки, ручки и тетрадки.

Ўқитувчи: Узоқ-узоқ ўлкада, дарйлардан ўтиб, тоғлардан ўтиб, қалин ўрмон томонда “Математика “ мамлакати бор экан.

Бу мамлакатда ҳар хил сонлар, рақамлар Математика маликасига хизмат қилади экан. Бир куни маликани қароқчилар ўғирлаб кетиб, уни бир уйга қамаб қўйибди. Маликага раҳмингиз келадими? Ёрдам берамизми? Ундай бўлса – саёҳатга борамиз ва маликани қутқарамиз. Йўлимизда қароқчи кўплаган қийинликлар тайёрлаб қўйган.

Саёҳатни шу мактабдан бошлаймиз.

Дафтарни очамиз, кани саёҳатни бошлашга ьайёрмизми?

Уйга вазифани текшириш.

Ўқитувчи: Жуда яхши. Энди саёҳатни бошлаймиз. Дафтарни очиб саёҳатга чиққан кунимизни ёзиб, белгилаб кўямиз. “Синф иши” деб ёзиб кўямиз. Мактабдан “Тоза ёзув” тоғи орқали юрамиз. Тоғ этагида 1-чи шарт яширинган.

1-чи шарт бўйича **“Яширинган сўзларни”** топамиз

Билим тозалик тезлик.

Жуда яхши, бизнинг саёҳатимизда мана шу учта сўзга амал қилишимиз керак.

Саёҳатни давом эттирамиз. Ҳозир биз **“Рақамлар ўрмонига”** келдик.

2-чи шарт. Дарахтлар орқасига мисоллар яшириб кўйган.

2-мисол

$$(20+16):9=36:9=4$$

$$(24+42):6=66:6=11$$

$$(60+12):8=72:8=9$$

$$(56+28):7=84:7=12$$

Ўқитувчи: Энди ўрмондан чиқдик. Саёҳатни давом эттирамиз. Энди “Мисоллар саҳросига” келдик. Бу саҳро, чўлда бархонлар ўрнига Мисоллар. Бу мисолларни тез ва тўғри ечамиз.

$$0+17-7=17-7=10$$

$$5+17-7=22-7=15$$

$$1+17-7=18-7=11$$

$$7+17-7=24-7=17$$

$$3+17-7=20-7=13$$

Ўқитувчи: Жуда яхши. Энди қаранглар ҳозир биз “Масалалар қишлоғига” келдик. Бу қишлоқда қароқчи бизга масала яшириб кетибди.

1-масала

Еч: $(46+54):5=100:5=20$

Жавоб: 20л сут куйилди.

Физ. Минутка.

Дам олган бўлсак, саёҳатни давом эттираемиз. Энди биз “**Янги мисолар ботқоқлигига**” дуч келдик. Бу ерда мисолларни тўғри чсак ботқоқликдан ўтаемиз.

4-мисол.

$$(30+6):3=36:3=12$$

$$(300+60):5=360:3=120$$

$$(40+8):2=48:2=24$$

$$(400+80):2=480:2=240$$

Ўқитувчи: Саёҳатни давом эттираемиз. Ҳозир энди “**Амаллар кўлига**” келдик. Бу ерда тушиб қолган ерга амалларни кўямиз.

5-мисол

$$(40+32):8=9$$

$$(300+200):5=100$$

$$5*6+27=57$$

$$(500+400):3=300$$

$$800-800=0$$

$$1*500:1=500$$

Ўқитувчи: Энди “Тенгламалар тоғи” дан ўтишимиз керак.

6-мисол

$$c*3=120$$

$$120:a=30$$

$$x:3=40$$

$$c=120:3$$

$$a=120:30$$

$$x=40*3$$

$$c=40$$

$$a=4$$

$$x=120$$


$$40*3=120$$

$$120:4=30$$

$$120:3=40$$

Жуда яхши. Энди биз лабиринтдан ўтаемиз. Унинг ичида адашиб кетмаслик учун қоғоз варучкани олаемиз. Давом эттириб юрсак йўлимизни белгилайди.

Рақамлар бўйича туташтираемиз. Нима ҳосил бўлди?



Уй

үй

дом

home

Қандай геометрик фигуралардан ташкил топган?

Учбурчак, тўғри тўртбурчак.

Ўқитувчи: Шу уйниниг қоронғу хонасида қароқчи кимни яширган.

Ўқувчилар: Математика маликасини. Энди маликани ичидан олиб чиқиш учун “*Логикалик савол-жавоб*” ўтказамиз.

“Ўйла, изла, топ” .

$$1 \circ 2 \circ 3 \circ 4 \circ 5 \circ 6 \circ 7 = 40$$

Ўқитувчи: Мана энди биз маликани кутқардик. Қанчама қийинчиликларни енгиб ўтдик.

Саёҳат давомида нималарни ўргандик?

Фаол қатнашган ўқувчиларни рағбатлантираман.

IV. Уйга вазифа: 2-мисол.